

Тилавов Уктамжон Гуломович

докторант, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистан Миллий университети

ЭКОЛОГИК ПАР ТИЯЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Янги аср ва мингйиллик. бошланиши билан глобал экологик барқарор тараққиётда бир- бири билан узвий боғлиқ икки глобал тенденция устуворлашмоқда. **Биринчиси** — дунёнинг геоэкологик манзарасини шиддат билан ўзгартираётган: тикланмайдиган табиий ресурсларда экстенсив фойдаланиш, куролланиш пойгаси, “демографик босим” ва бошқа таъсирлар биосфера экологик мувозанатида орқага қайтмас жараёнларни кучайтириши натижасида, инсоннинг вужудга келган табиий муҳитга мослашиш - адаптацией потенциалини сезиларли сусайтирди, физиологик ва ижтимоий муаммоларни кескинлаштирмоқда. **Иккинчиси** — ҳозирги цивилизациянинг постиндустриал-ахборотлашган жамиятлари глобал экологик муаммоларга (иқлим ўзгариши, озон қатламининг емирилиши, тоза ичимлик суви танқислиги, биохилма-хилликнинг қисқариши, ҳатто космосни ифлослантирувчи чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни утилизациялаш ва ҳоказоларга) дуч келиб, уларни бартараф қилишда ҳамкорлик, ижтимоий шерикчилик муносабатлари кўлами кенгаймоқда. Зеро, дунёнинг нуфузли олимлари, давлат раҳбарлари томонидан фан-техника ривожланган XXI асрни экологик хавф-хатар асри, дейишларида муайян асос бор.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, сайёрамизда бугунги кунда турли хил ёқилғиларни ёқиши оқибатида йилига 10,1 миллиард тонна кислород сарф бўлмоқда, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 70 фоизи ўзлаштирилмоқда, чучук сувларнинг 20 фоизи халқ хўжалигида фойдаланилмоқда, ўрмонлар майдонининг йилдан-йилга камайиши, чўл зоналари кенгайиши, озон қатлами емирилиши ва бошқа сабаблар планета иқлимини ўзгартирмоқда. Шунингдек, охириги 50 йилда ер юзи аҳолисининг деярли уч маротаба, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - ҳар 15 йилда, электр энергияси ишлаб чиқариш - ҳар 12 йилда икки баробар ўсиши, 900 миллиондан ортиқ транспорт воситалари ҳосил қилган захарли газларнинг 80 фоизи табиий атроф-муҳитга жиддий зарар етказмоқда [*Экологические проблемы региона и пути их разрешения: материалы XII Междунар. науч.-практ. конф. (Россия, Омск, 15-16 мая 2018 г.)*]. Натижада, илмий лексиконга экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли: “экологик касалликлар”, “экологик қочоқлар”, “экологик агессия”, “экологик эксплуатация” ва бошқа шу каби тушунчалар кириб келиши жаҳон ҳамжамиятини, ҳақли равишда, саросимага, таҳликага солмоқда.

Дунёда хавфеизлик ва барқарорликни таъминлаш, Она сайёрани асраб қолиш, халқаро ва миллатлараро муносабатларда ҳамжихатликка эришиш, БМТнинг асосий вазифаларидир. Глобал экологик муаммолар, БМТнинг 1972 йил Стокгольмда табиий атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган халқаро Конференциясида биринчи марта, халқаро сиёсий даражада, кўтарилган эди. Ушбу анжуманда “инсон фаровон ва юқори кадр-қимматга эга ҳаётни тақозо этадиган муҳитда яшамоғи лозим” [/http://eclife.ru/laws/inter/19_72_04.php](http://eclife.ru/laws/inter/19_72_04.php) деб, қатъий белгилаб қўйилди. Ер юзидаги биосфера деградацияси сабабларини таҳлил этиш мақсадида “Атроф-муҳит ва ривожланиш” бўйича бутунжаҳон Қўмитаси ташкил этилди.

Мазкур Қўмитанинг 1987 йили “Бизнинг умумий келажагимиз” деган маърузасида индустриал ривожланган мамлакатларда табиат бойликларидан фойдаланишдаги исрофгар-чилик ва ривожланаётган “учинчи дунё” мамлакатларида етишмовчиликлар экологик муҳитнинг ёмонлашувида асосий сабабларидан бири сифатида эътироф қилиниб, келажақда Ер сайёрасини сақлаб қолиш учун жаҳон ҳамжамияти хатти-ҳаракатини бирлаштириш лозимлиги қайд этилди.

1992 йили БМТ Рио-де-Жанейрода Халқаро экологик ҳаракатларни интеграциялаштиришга оид “Атроф-муҳит ва ривожланиш” бўйича конференция ташкил этди. Унда иккита асосий ҳужжат - “Рио-де-Жанейро Декларацияси” ва “XXI йил учун кун тартиби”, шунингдек, иккита глобал экологик: “Иқлим ўзгариши бўйича доиравий Конвенция” ва “Биохилма хиллик бўйича Конвенция” қабул қилинди. Булардан ташқари, Конференция қабул қилинган ҳужжатлар бажарилишини назорат қилувчи БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича Қўмитасини ташкил этиш борасида қарор қабул

қилинди.

Энг муҳими, Рио-де-Жанейро Декларациясида барқарор ривожланиш асосига, албатта атроф-муҳит муҳофазасига эътибор бериш зарурлигининг қўйилиши катта аҳамиятга эга бўлди. “XXI йил учун кун тартиби” белгиланган умумий стратегик режага эса, барқарор ривожланиш ғоялари, аниқ халқаро ва миллий мажбуриятлар киритилди [<http://v.v.un.org/russian/document/declarat/riodecl.htm>].

2000 йил 6-8 сентябрь кунлари Нью Йоркда Бош Ассамблеянинг 55-махсус сессиясида Мингйиллик декларацияси имзолангани, унда учинчи мингйиллик тамаддунининг асосий мақсадлари, яъни инсоният тақдирида реал аҳамиятга эга бўлган саккизта муҳим масала ҳақида ҳужжатнинг қабул қилинганини алоҳида қайд этиш жоиз. Чунки бу ҳужжатларда миллионлаб одамларнинг тоза ичимлик сувига ва электр қувватига бўлган эҳтиёжини қондириш, 2015 йилга қадар қашшоқлик даражасини 50 фоизга камайтириш кўзда тутилган эди. Айнан шу “Режа” жаҳон ҳамжамиятининг барқарор тараққиёт йўлидаги ҳаракатини тартибга солиб, йўналишларини белгилаб берди. Барқарор тараққиётга ўтиш 2005 йилдан бошлаб амалга оширилиши лозим эди [*Перелет Р.А. Переход к эре устойчивого развития. Россия в окружающуем мире: 2003 (Аналитический ежегодник). -М.: Изд-во МНЭПУ, 2003, стр. 10-30*].

2017 йили БМТ Конференцияси ўтказилганига 25 йил тўлди. Бироқ, БМТнинг атроф- муҳит муҳофазаси бўйича Дастурида (ЮНЕП) белгиланган “Режа”нинг 90та бандидан, фақатгина 4таси амалга оширилганлиги, унинг барбод бўлганлигини кўрсатди. Хусусан, маърузада “Режа”та асосан глобал иқлим ўзгариши тўхтатилмаганлиги, денгиз сувининг ишқорлик даражаси пасаймасдан, аксинча кўтарилиши денгиз жониворларининг қирилишига сабаб бўлаётганлиги, биологик хилма-хиллик йўқолаётганлиги, ўрмонларнинг кесилиши 4 баробар кўпайганлиги қайд этилди [*«Geo-5» (Глобальная экологическая перспектива), Резюме для политиков и лиц, принимающих решения, 2012, стр. 24*]. Лекин маърузада, биринчи маротаба, “Барқарор тараққиёт” тушунчасининг мазмуни, келажак авлод учун табиатни сақлаш - инсон ва табиат уйғунлигига адекватлиги асосланиб, ҳар бир давлатга ИҚТИСОДИЙ, ижтимоий ва экологик режалар асосида барқарор ривожланишнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш тавсия этилди.

2000 йили БМТ Мингйиллик саммитида жаҳоннинг етакчи давлатлари томонидан қабул қилинган “Мингйиллик Декларацияси”нинг асосий мақсадларидан бири - келажак авлод экологик эҳтиёжлари ва манфаатларидан келиб чиқиб, учинчи мингйилликда экологик барқарорликни таъминлашнинг конкрет стратегик мақсадлари белгилаб берилди. Яъни:

- 2010 йили биологик хилма-хилликнинг йўқолишини камайтириш;
- 2015 йили тоза ичимлик сув истеъмолидан маҳрум бўлган аҳоли сонини икки баробарга камайтириш;
- 2020 йили 100 миллион нафар қашшоқликда кун кечирувчи аҳоли ҳаётининг фаровонлигини ошириш кўзда тутилган эди.

2002 йили Йоханнесбургда (ВСУР 2002) “Барқарор ривожланиш” бўйича ўтказилган Бутунжаҳон саммитида “Сиёсий декларация” ва “Барқарор ривожланиш бўйича олий даражада Бутунжаҳон учрашувлар қарорларини бажарилиш режаси” қабул қилинди. Сиёсий декларацияда яна бир маротаба экологик барқарор ривожланиш ғояларига содиқлик, инсоният цивилизацияси келажagini сақлаб қолишга қафолатлиги қайд этилди [*World Summit on Sustainable Development. Plan of implementation Johannesburg. 2002*]. Лекин бу ҳужжатлар декларатив характерга эга бўлиб, уларда белгиланган режалар, турли сабабларга кўра, бажарилмади, аксинча, халқаро экологик сиёсий муносабатларда янги зиддиятларни келтириб чиқарди.

Бугунги кунда бундай зиддиятли муаммолар ечимини топишга йўналтирилган интилишлар, инсоннинг экологик манфаатларини ҳимоя қилиш, биринчи навбатда, соғлом ва му саффо атроф-муҳитда яшаш ҳу қу қини таъминлаш, табиий муҳитни асраб-авайлашни ва у ни соғломлаштиришга мутасадди экологик ҳаракат субъектлари фаолиятини эркинлаштириш ва демократиялаштириш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган қисқа дар мобайнида экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлди ва уларнинг конвенциялари, ҳужжатлари Олий Мажлис томонидан ратификация қилинди.

Республика Экоҳаракатининг табиий атроф-муҳит муҳофазасига оид қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш, айниқса бу соҳадаги қонунчиликнинг янада такомиллашуви ва ривожланишига кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш катта аҳамият касб этди. Хусусан, 2013 йилнинг 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунини имзолади ва матбуотда эълон қилинди [Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни. *Халқсузи. 2013 йил 28 декабрь.*]. Қонунда табиатни муҳофаза қилиш борасидаги, ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва фуқароларнинг давлат экологик дастурларини ҳаётга жорий қилишда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу ўринда, алоҳида таъкидлаш керакки, республика Экоҳаракатининг ташкил этилиши - мамлакатимизда экологик фаолиятга мутасадди давлат ва жамоат бирлашмалари ривожланишини эркинлаштириш ва демократиялаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу тарихий ҳужжат асосида юртимизда табиатни муҳофаза қилишга мутасадди давлат ва жамоат бирлашмалари Экоҳаракат тимсолида табиий атроф-муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни ташкиллаштириш ва бошқариш имкониятига эга бўлдилар.

Бу борадаги сайлов қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Экоҳаракатдан сайланган депутатлар груҳи табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик аҳволни яхшилаш, аҳоли саломатлиги учун курашнинг ҳуқуқий- қонуний асос яратди.

Ўзбекистон Президентга Шавкат Мирзиёев томонидан 2017-2021 йиллар учун “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган устувор вазифалар республика экологик ҳаракат субъектларининг фаолият йўналишларини, дастурий вазифалари комплексини белгилаб берди. Яъни “Ҳаракатлар стратегияси”ни давлат экологик сиёсати контекстида қарайдиган бўлсак, унинг гуманистик мазмун-моҳияти ва соҳадаги вазифалари конкретлашади.

“Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, бевосита давлат экологик сиёсатида алоқадор. Зеро, бу соҳада демократик ислохотларни чуқурлаштириш, унинг институционал тизимини модернизациялаштиришда: Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлисга сайланган депутатлар корпусининг Қонун ижрочилиги ролини кучайтириш; давлат ҳокимияти тизимида мамлакат ички ва ташқи экологик сиёсатида оид вазифалар бажарилиши ҳамда ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини кучайтиришда Экоҳаракатнинг масъулиятини ошириш ва ваколатларини янада кенгайтириш; қабул қилинаётган қонунларнинг экологик асослари ва экологик қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан яхшилаш; сиёсий партияларнинг республика экологик вазиятни соғломлаштиришга оид дастурларини мукаммаллаштиришга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш; экология соҳасида давлат иштирокини ислоҳ қилиш ва бошқарув ваколатларини маҳаллий ҳокимиятларга бериш; давлат ва фуқаролик институтларининг экологик ҳамкорлиги самарасини оширишда давлат ва хусусий мулкчилик шерикликчиликнинг замонавий механизмларини жорий этиш; давлатнинг ички ва ташқи экологик сиёсатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш; жисмоний ва юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқ ва эркинликларига, қонуний манфаатларига оид ахборотлар билан таъминлашда замонавий технологияларни, хусусан «Электрон ҳуқумат» тизимини такомиллаштириш; экологик фаолиятда жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш учун халқ билан мулоқот (“халқ дипломатияси”)нинг самарали механизмларини жорий этиш; фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва уларнинг экологик ҳаракатида маҳалла институтини ва “бешинчи ҳокимият” сифатида оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишни тақозо қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Экологические проблемы региона и пути их разрешения: материалы XII Междунар. науч.-практ. конф. (Россия, Омск, 15-16 мая 2018 г.)/Минобрнауки России, М-во образования Ом. обл., ОмГТУ, Ин-т дизайна и технологий; [под общ. ред. Е. Ю. Тюменцевой]. - Омск: Изд-во ОмГТУ, 2018.

Сайт конференции <http://conf.nsc.ru/ecology2018/ru>

2. <http://www.eclife.ru/laws/inter/1972/04.php>
3. <http://www.un.org/russian/document/declarat/riodecl.htm>;
4. Перелет Р.А. Переход к эре устойчивого развития./Россия в окружающем мире: 2003 (Аналитический ежегодник). - М.: Изд-во МНЭПУ, 2003, стр. 10-30.
5. «Гео-5» (Глобальная экологическая перспектива), Резюме для политиков и лиц, принимающих решения, 2012, стр. 24.
6. World Summit on Sustainable Development. Plan of implementation Johannesburg. 2002.
7. Узбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни. //Халқ сўзи. 2013 йил 28 декабрь.
8. Shermuxamedova, N. "Philosophy and methodology of science." Tashkent: Publishing House of the National University of Uzbekistan (2005): 21-27.
9. Namazova, Yulduz. "National education system in the educational ideas of jadidism." The Light of Islam 2020.3 (2020): 47-57.
10. Абдуллаева, Н. (2023). Вопросы языкового и речевого этикета в произведении «Кутадгу билиг», in Library, 22(4), 171-180. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21752>